



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2013 йил 28 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 42 (12.353)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил — Обод турмуш йили

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишлари айланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самаралар бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш усуллари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илгор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усуллари татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнати моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизда илгор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилди. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг туғри овқатланиши гоят муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ва бартараф этиш, яъни истеъмол тузили йодлаш, урни тўйинтириш, темир, фоллициклотаси ва А витаминини салементация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиғи мустаҳкамланади. Кўрак сутини эмизиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилда туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни «Соғломлаштириш ҳафталикларини» ҳар ойда ўтказишни давом эттириш кўзда тутилмоқда. Ушбу тадбирлар давомидан барча ҳудудлар, айниқса, чекка ва бириш қийин бўлган туманларда мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юр்தларининг юқори малакали мутахассислари ва профессорлари хотин-қизлар ҳамда болаларни даволайди ва маслаҳатлар беради. Ўзбекистонда тугма ва ирсий нуқсонларни эрта аниқлашга ёрдам бериш бўйича йўлга қўйилган аёллар ва чақалоқлар скрининг тизимини такомиллаштириш давом эттирилади.

2013 йилда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Соғлом она — соғлом бола» ва

«Соғлом ёшлар» лойиҳалари амалга оширилади. Биринчи лойиҳанинг мақсади ўсмир қизларга туғри овқатланиш, гигиена ва камқонлиқнинг олдини олиш соҳасида тиббий маълумотлар бериш, шунингдек, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни репродуктив саломатлиқни сақлаш, туғруққа тайёрланиш ва бир ёшгача бўлган болани парваришлаш масалалари бўйича хабардор қилишдан иборат. «Соғлом ёшлар» лойиҳаси эса ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва сил касаллигининг олдини олишга доир таълим услублари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлар «Соғлом ёшлар» ҳаракатига тренинг-семинарлар, маслаҳатлар бериш ва ёшлар ижтимоий акцияларини, жумладан, «Биз — соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!» республика ихидий танловини ўтказиш орқали кенг жалб этилади.

«Ҳаёт учун!» ассоциацияси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шу жумладан, «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафонини ва бошқа ижтимоий акцияларни ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Европа Иттифоқи/ЮНИСЕФнинг «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. II босқич» қўшма лойиҳаси, ЮНФПА, Глобал фонд, КfW банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз малакасини оширади. 2013 йилда тиббиёт ёрдам кўрсатишининг барча босқичларида болаларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимининг янада камайиши бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан ортигини ташкил қилган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар юрак касалликлари, инсульт, саратон, сурункали респиратор хасталиклари ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар — спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Айни кунларда шаҳримиз туманларида аҳолини иш билан таъминлаш ва ёшларнинг доимий иш ўрнига эга бўлишлариغا қўмаклашишга қаратилган «Ишга жойлаштириш кўни» деб номланган меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда. Шундай тадбирнинг навбатдагиси Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласида бўлиб ўтди.

Тадбир туман ҳокимлиги билан Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилди. «Ишга жойлаштириш кўни»да «Тошкент трактор заводи», «Тошкент лок-бўёқ заводи» очик акциядорлик жамиятлари, шаҳар 2-сонли болалар жаррохлик клиник шифохонаси, «Bf textile» енгил саноат корхонаси ҳамда шу каби ўндан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашди.



**Ижтимоий муҳофаза — амалда
МАҲАЛЛАДА МЕҲНАТ
ЯРМАКАСИ**

Туманимизда ҳозирги кунда 1150 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар рўйхатга олинган, — дейди туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассиси Барно Эгамбердиева. — Тадбирни ташкил этишдан мақсад ана шу банд бўлмаган аҳолига амалий ёрдам бериш, уларни корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари билан таништириш ҳамда ишга йўлланма беришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, тадбир иштирокчиларининг аксариятини ёшлар ташкил этди. Олий ўқув юрти ва касб-хунар коллежини тамомлаб ўз соҳаси бўйича иш излаётган йигит-қизлар бевосита иш бериувчилар билан юзма-юз кўришиб, мавжуд иш ўринлари билан танишдилар. Уларнинг қўлчилиги ўзлари қизиққан соҳада ишлаш учун йўлланмаларга ҳам эга бўлди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислам Исмоилов олган суратлар

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЮКСАК ШАРАФ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас ҳарбий хизматига наватдаги қақирув ҳамда белгиланган хизмат муқаддаслигини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервида бўлган туғриқўшларни тантанали кузатиш маросимлари давом этмоқда. Тошкент шаҳар Мудофаса ишлари бошқармасида бўлиб ўтган шундай тадбирлардан бирида йигитлар ўз бурчини бажариш учун ҳарбий қисмларга йўл олди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, қақирувчиларнинг ота-оналари ва қариндошлари иштирок этди.

Истиқлол йилларида муқаддас ҳарбий хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш ҳаракатини профессионал армияни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Қуролли Кучлар сафларини Ватани ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни бажаришга қодир, юқори маънавий ва профессионал тайёргарликка эга ёш кадрлар билан таъминлаш ишлари тобора кучаймоқда. Мамлакатимизда жуда хурсандман, негаки армияда фақат энг муносиб йигитлар хизмат қилади. Ҳамма ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Спорт билан шуғулланганим, мактаб ва касб-хунар коллежидан аъло баҳолаб ўқиганим ўз мақсадида эришилган муҳим омил бўлди. Муқаддас ҳарбий хизматни намунали ўтаб бўлган, армия сафига қолиб, ҳарбий хизматни давом эттирмакчиман.

— Ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилиш тизими асосида армияга энг яхши йигитлар саралаб олинмоқда. — дейди Тошкент шаҳар мудофаса ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник В.Тўхтаев. — Улар нафақат мутлақо соғлом, балки ҳар томонлама ривожланган бўлишлари лозим. Кўпчи-

лик йигитлар тест синовларида ажойиб натижалар кўрсатди. Улар орасида юксак даражада тайёргарликка эга спортчилар ҳам кўп. Бугун бу йигитлар кўнглидаги армияда хизмат қилиш орзусига эришиши мумкин.

— Ҳарбий хизмат — бу нафақат конституциявий бурч, балки муқаддас вазифа ҳамдир. — дейди қақирувчи Ш.Шоумаров. — Яқинда акам армия хизматидан қайтди. Менга ҳам армияда хизмат қилиш насиб этди. Армияда хизмат қилишни мен Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туғусининг амалий ифодаси, деб биламан. Танловдан ўтганимдан жуда хурсандман, негаки армияда фақат энг муносиб йигитлар хизмат қилади. Ҳамма ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Спорт билан шуғулланганим, мактаб ва касб-хунар коллежидан аъло баҳолаб ўқиганим ўз мақсадида эришилган муҳим омил бўлди. Муқаддас ҳарбий хизматни намунали ўтаб бўлган, армия сафига қолиб, ҳарбий хизматни давом эттирмакчиман.

Роман БОНДАРЧУК,
Ўза муҳбири

XXI аср
Барча
мабаладан
олинган сунъий
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Элликқалъа тумани Маънавият тарғибот маркази томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман прокуратураси билан ҳамкорликда «Президент асарларини ўрганимиз» танлови ташкил этилди. Танловда тумандаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар қатнашди.

● Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги «Шодлик» маҳалласида 13,6 минг нафар фуқаро истиқомат қилади. Республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига маҳалланинг канализация тармоғи тўлиқ таъмирланди. Натижада, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизими яхшиланди. Айни пайтда лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилди. Шаҳарнинг «Обод юрт» маҳалласидаги сув қувурлари ва канализация тармоғи таъмирланмоқда. Лойиҳа амалга оширилган, қарийб 14 минг фуқаронинг тоза ичимлик суви таъминоти янада яхшиланади.

● Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида янги кўргазма очилди. Миллий меросимизни асраб-авайлаш, қадимий ва бой анъаналарни тиклаш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда санъат асарларининг ўрни бекиёс. Ўзбекистон халқ рассоми Жўлибой Изентаев асарлари кўргазмаси ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

● Жиззах шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Республика ОИВ инфекцияси, сил ва безгак касалликларига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштирувчи тармоқлараро эксперт кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбатини ўтказилди. Тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакилларининг бу борада амалга оширилган ишлар туғрисидаги ахборотлари тингланди.

ЖАҲОНДА

● Марсда тадқиқот олиб бораётган «Nasa Curiosity» космик аппарати томонидан тасвирга олинган, Ерга узатилган кадрлар мутахассислар ўртасида катта шов-шувларни келтириб чиқарди. Гап шундаки, ушбу кадрларга «Қизил сайёра»да судралиб юривчилар оиласига мансуб жониворнинг суякларни қолдиқлари тўширилган. Аммо, жониворнинг дум қисми қўмилиб ётгани боис, унинг айнан қандай турдаги ҳайвон эканлиги аниқланмаган.

● Грузия пойтахти Тбилиси шаҳридаги йирик савдо мажмуасида чиққан ёнғин натижасида 50 га яқин мебель дўкони жойлашган 6 минг квадрат метр майдонга жиддий зарар етган. Ёнғин иш вақти тугаган пайтда юз бергани боис ҳеч ким жабрланмади.

● Греция марказий банки раҳбарининг айтишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози туфайли сўнгги беш йилда мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми 20 фоизга камайган. Жорий йилда бу борада кўрсаткич яна 4,5 фоизга пасайиши ҳамда ишсизлик даражаси ортиши тахмин қилинмоқда.

● Ҳиндистоннинг Шрихарикота оролида жойлашган космодромдан бир йўла еттита сунъий йўлдош коинотга учирилди. Чунончи, Ҳиндистон ва Франция ҳамкорлигида яратилган SARAL сунъий йўлдоши иқлим ўзгаришлари, музликларнинг эриши каби табиий ҳодисалар ҳақида маълумотлар тўплаб, ерга узатиб турса, Канаданинг «NEOSSat» космик аппарати эса хавфли астероидларни ўрганишга ихтисослаштирилган биринчи сунъий йўлдош ҳисобланади.

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Асака банк»нинг Тошкент шаҳар филиалида «Одам

савдоси — аср вабоси» мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Бектемир туманидаги 293-умумтаълим мактабидан ўтказилган суҳбат вояга етмаган

қизлар ўртасида кийиниш маданиятини шакллантиришга бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхонимнинг таваллуд

куни муносабати билан шоира ҳайкали пойига гулчамбар қўйилиб, «Мушоира этади давом» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини – амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 кишлоқ врачлик пунктларидан (КВП) таркиб топган тармоқни мустахкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аҳолига масолаҳат бериш ва таъхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича КВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш доирасида КВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ва 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги энг яхши клиникалар мутахассислари иштирокида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» лойиҳасини амалга ошириш орқали энг чекка кишлоқ туманларида яшаётган аҳолини чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган. Бу жараёнда 146 минг киши, шу жумладан, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерлар қамраб олинади. Бундан ташқари, йил давомида ҳар бир ҳудудда 200 мингдан ортиқ киши оммавий равишда чуқур тиббий кўриқдан ўтказилади.

Шунингдек, дастурда аҳолининг юқори технологик ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, 2012 йилда кардиожароҳлик бўлими ташкил этилган В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, кўз микрохирургияси ва урология марказида ўта мураккаб ва технология даражадаги операцияларни ўтказиш қўламини янада кенгайтирилади. Ваҳоланки, бундай операциялар бугун дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Соҳа мутахассисларининг касбга оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу

мақсадда Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг таъриба ошириши ташкил этилади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудига карантин қилинадиган ва ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади. Аҳолини, айниқса болаларни эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда Миллий эмлаш таквимида мувофиқ 2,5 миллион болани профилактик

топшириш режалаштирилган. Уларни таъхис қўйиш ва даволаш бўйича жаҳон стандартларига мувофиқ жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилган. Шу мақсадда хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш давом этирилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган санатория муассасаларида жорий йилда минглаб фуқаролар – фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд ходимлар, кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар, ёш оналар, ёш оилалар ўз соғлигини мустахкамлайди. Бу муассасаларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва уларда кўрсатилаётган соғломлаштириш хизматларини яхшилаш, айримларида эса капитал таъмирлаш ишларини бажариш чора-тадбирлари белгиланган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ҳам алоҳида диққат марказида бўлади. Масалан, еттига болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилади.

Шундай қилиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг қўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демек, мамлакатимиз равақини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

(ЎЗА)

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИГИ

Солиқлар – қадимий иқтисодий ва ҳуқуқий категориялардан биридир. Улар давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни юзага келтириб, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланувчи ҳаракатчан тизим ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятида ҳам солиқ ва солиққа тортиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Давлат солиқлар орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ишлаб чиқаришнинг самардорлигини оширишга ёрдам беради, махсусотлар, ишлар, хизматларнинг ҳажмининг кўпайишига шароит яратди.

Солиқ ва бошқа турдаги давлат йиғимларининг муҳимлиги, ушбу соҳадаги қонунчиликни ва тартиб-қоида-ни бузган шахслар учун белгиланадиган юридик жавобгарлик масалалари билан ҳам изоҳланади. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик турли қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликнинг йиғиндисидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 106-моддасига асосан, солиқ тўловчининг солиқ кодексига жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Бунда солиқ қонунчилигини бузган, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқбузарликлар содир этган хўжалик юритувчи субъектлар юридик жавобгарликка тортилади.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турларига давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан буйин товлан, кириш қилинмаган товарларни саклаш ёхуд то-варларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш-дан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш), солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш, фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланиш, ҳисоббарак-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш, фискал хотирнали нazorat-касса машиналаридан ва тўловларни пластик картонкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш, ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш қиради.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилади. Солиқ кодексининг 112-моддасига асосан молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгар-лик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади. Юридик шахслар ва яқка тартиб-даги тадбиркорларга — солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибиде қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисобланади. Солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини таш олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш жоизки, юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка торти-лиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда дав-лат солиқ органларининг мансабдор шахслари ҳам солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортилади. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка, жиноят аломатлари мавжуд бўлганда жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳасан САЛИХОВ

Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг етакчи маслаҳатчиси

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Тошкентда «Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти – электрон оммавий ахборот воситаларида ёшлар лойиҳаларини ривожлантиришнинг муҳим омили» мавзуда медиа-семинар бошланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғар-маси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-ридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қув-ватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббусла-ри маркази, ЕХТҲ, Германиянинг Конрад Аденауэр но-мидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхо-налари ҳамкорлигида ўтказилаётган маъруз турда бир-да ёш журналистлар, видеотасвирчи ва монтаж усталари, техник мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухали-ков ва бошқарал Президентимиз Ислам Каримов томо-нидан баён этилган Мамлакатимизда демократик испо-лотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш концепциясида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида илгари сури-лган муҳим вазифалар демократия тарққилишида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бугунги кунда юздан ортиқ но-давлат телерадиостанциялар, кабель студияларини ўзиде бirlаштирган. Уларда фаолият кўрсатаётган му-тахассисларнинг аксарияти ёш ишкорлардир. Улар-нинг касб маҳоратини ошириш доимий эътиборда.

Маъруз тадбирини ўтказишдан кўзланган асосий мақ-сад ҳам ассоциация фаолиятини атрофича таҳлил этиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилаб олиш, нодавлат медиа соҳа вакилларининг ўзаро фикр ва таъ-риба алмашиши учун имконият яратишдир. 5 мартга қадар давом этадиган медиа-қўнлар доирасида юр-тимиз ва хорижлик мутахассислар иштирокида ахборот-таҳлилий дастурларнинг сифатини янада яхшилаш, ҳуж-жатли фильм ва сценарий яратишга оид семинар-маш-ғулотлар, электрон оммавий ахборот воситаларида ёшлар лойиҳаларини ривожлантириш бўйича медиа-форумлар, конференциялар, маҳорат сабоқлари ўтқа-зилади.

Тадбир ахборот-таҳлилий материаллар сифатини оширишга қаратилган амалий семинар-тренинг билан бошланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Семинар

«БИР ДАРЧА» — ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексиде ўтказилган семинар 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўми-таси, турли вазирлик ва идоралар мутахассислари тадбирда иштирок этган таъхис иқтисодий фаолият билан шугулланувчи компаниялар вакилларига маъ-кур қонуннинг хусусиятларини тушунибди, янги меъ-ёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумот бер-дилар, дея хабар беради ЎЗА.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона ком-плекси бошлиғининг ўринбосари Ғайрат Носиров тадбиркорликнинг ривожлантириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг му-ҳим таркибий қисми эканини таъкидлади. Мамла-катимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концеп-циясида белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти со-ҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғри-сида»ги қонун бунга ёрқин мисолдир. Қонунда тад-биркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тар-тиб-таомилларини амалга оширишда ортиқча бю-роқратик тўсиқларни бартараф этиш, керакли ҳуж-жатлар рўйхати ва рухсат бериш муддатларини қатъ-ий белгилаш орқали бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли бошқарув ҳаракатларининг тўлиқ ошқоралигини таъминлаш кўзда тутилган.

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, жорий йилнинг 20 июнидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни «бир дарча» орқали беришга доир янги тартиб жорий этилади. Унинг моҳияти шундаки, рухсат этиш хусусиятига эга ҳуж-жати берувчи давлат органи зарурат тузилганда керакли ҳужжатларни ўзи тўплайди ёки бошқа тузилмалар билан мувофиқлаштирилади.

Агар ваколатли орган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати бермасе ёки уни беришни рад этмаса, тадбиркорлик субъекти ўттиз кун муддат ўтгандан кейин, амалга ошириши учун ҳужжат тақдим этган фаолиятни бу ҳақда ваколатли органини ёзма равиш-да хабардор қилган ҳолда, амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади (ҳукумат томонидан тасдиқланган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно). Бу ҳолда ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг хабарномаси олингандан кейин беш иш кунини ичиде унга рухсат этиш хусусия-тига эга ҳужжати бериши шарт.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устувор-лиги принципини ўрнатиш қонунда яна бир асо-сий янгиликлардандир. Унга мувофиқ, рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-даги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фой-дасига талқин қилинади.

«Бир дарча» тамойилининг жорий этилиши билан экспорт операцияларини амалга ошириш учун рух-сат олиш тартиби сезиларли равишда енгиллаша-ди. Бу маъзур операциялар иштирокчиларнинг на-фақат вақти, балки молиявий маблағлари тежали-шига, пировардида улар фаолиятининг янада кен-гайишига хизмат қилади.

Сардор ТОЖИЕВ



Ислохотлар оқимида

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

риш масалалари хусусида фикрлар билдирилди.

Шунингдек, тадбир давомида Фуқаролик жамияти шаклланишини монито-ринг қилиш мустақил институти таша-буси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда Ўзе-бекистон Республикаси Адлия вазирлиги-нинг «Адолат» наشريёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлари ва сиёсий партиялар фаолиятига оид қонунлари» номли тўпلامининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари маъзур тўпلامининг аҳамияти, хусусан, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари аъзолари, сиёсий партия фаоллари, Кенгашлар таркибидеги доимий комис-сиялар, сиёсий партияларнинг депу-татлик гуруҳлари учун муҳим қўллан-ма эканлигини қайд этдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республика-сининг Олий Мажлиси, Халқ депу-татлари Кенгашлари ва сиёсий партия-лар фаолиятига оид қонунларни тизим-

лаштириб, яхлит тўплам сифатида чоп этилиши ва унинг соҳа мутахассисла-рига тарқатилиши ушбу қонунларни му-каммал ўрганиш, уларни амалиётга са-марали татбиқ этиш, фуқароларнинг ўз фаолиятини қонуний асосда ташкил эти-шида аҳамият касб этади.

Тадбир давомида сўзга чиққан экс-пертлар, сиёсий партияларнинг фаол-лари ҳам маъзур тўплам улар фаолияти-да муҳим манба сифатида хизмат қили-шини эътироф этган ҳолда тўпламни чоп этиш ташаббусини илгари сурган ва чоп этиб, тарқатган мутасаддиларга ўз мин-натдорчиликларини билдирдилар.

Давра суҳбати якунида нодавлат но-тижорат ташкилотлари, фуқаролик жа-мияти институтлари ўзаро ҳамкорли-гининг истиқболли йўналишлари ҳақида келишиб олинди.

Дониёр АЮПОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинимаси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

САЙЁҲЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ МУТАХАССИСЛАР ЎҚИТИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, dvv-international — «Халқ университетлари немис ассоциацияси»нинг Ўзбекистондаги филиали ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ҳамкорлигида амалга оширилган «Қатагон шоҳидлари: архитектура ва одамлар» йўналиши бўйича гидларни тайёрлаш лойиҳаси ўқув курслари битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

— «Халқ университетлари немис ассоциацияси»нинг Ўзе-бекистондаги филиали, Тошкентдаги тарих институти ҳамда музейимиз ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бугунга келиб ўзаро ҳамкорликдаги грант лойиҳаси асосида не-мис, рус ва ўзбек тилларида янги йўл қўрсаткич-қўлланма рисоласи тайёрланди ва нашр этилди, — дейди музейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Мурод Зикрул-лаев. — Ўтган бир ой ичиде «Ўзбектуризм» миллий компа-ниясининг рус тилида фаолият кўрсатувчи 20 нафар гид-мутахассислари ўқитилиб, уларга ушбу йўриқнома тақдим этилди. Таъкидлаш жоизки, бу қўлланма Тошкент шаҳри-даги чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатувчи мутахассис-лар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу рисолага киритилган маълумотларга архив ҳуж-жатлари, музейда сақланаётган материаллар асос қилиб олинган. Қўлланмада Тошкент шаҳрида жойлашган 16 та ёдгорлик, уларнинг тарихи ҳақида батафсил маълумотлар берилган, қатагон даври шоҳидларининг хотираларидан саҳифалар келтирилган. Германиялик ҳамкорлар иштиро-

кидаги лойиҳа доирасида ўқитилган мутахассислар Ўзбекистоннинг яқин ўтмиши, тарихига алоқадор аниқ маъ-лумотлар билан таништирилди. Ўқув-машғулотлар жараё-нида иштирокчиларнинг тарихий объектларга саёҳатлари уюштирилиб, назарий билимлар жонли амалиёт восита-сида мустаҳкамланди. Гидлар олимлар, тарихчилар, мала-кали педагог-мутахассислар маърузаларини тинглаб, на-фақат сайёҳларга сифатли ва ишончли хизмат кўрсатиш, балки улар билан муомала қилиш, саволларга тўри ва аниқ жавоб қайтариш, реал воқеа ва фактлардан фойда-ланиш қўникмаларини эгаллаб олишди.

Тадбир доирасида dvv-international — «Халқ универси-тетлари немис ассоциацияси»нинг Ўзбекистондаги фили-али билан «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ўртасида янги ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Меморандум доирасида 2013 йилда ҳам изчил фаолият олиб бориш кўзда тутилди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Ҳар гал Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилишда янги йилнинг номини эълон қилганларидан мамлакатимиз ахли ўй-хаёли, онг-тафаккурда бевосита одамларнинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ яна бир ижтимоий йўналишга диққат-эътибор ошади. Сўнг эса йил давомида мазкур йўналиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурининг изчил ижросига киришилади. Фуқароларимиз ана шу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшишга интилади.

Юртбошимиз 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилар эканлар: «Ободлик кўнгилдан бошланади», — деган эзгу ғояни илгари сурдилади.

Бу орқали давлатимиз раҳбари амалда бевосита одамларга, уларнинг кўнглига давват этдилар. Аввало, ҳар биримиз «Ободлик кўнгилдан бошланади!» — деган шорнинг мағзини қақшимиз, бошқача айтганда, ободликни бевосита кўнглига олиб киришимиз лозим.

Йилимизнинг «Обод турмуш йили» деб номланишидан кўзланган мақсадлар айнан нималардан иборат?

Бу ҳар биримизни «Ватан» ва «турмуш» тушунчаларини ўйлашга, уларни бир-бирига чамбарчас боғлаб фикрлашга, сўнг эса уларга «ободлик» тушунчасини қўшишга ундайди.

Ободлик ва фаровонлик эса Ватан ва турмушнинг ҳар тарафлама бебаб туради. Бинобарин, «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш» миллий ғоямизнинг бош ғояси ҳисобланади. Ана шу бош ғоямиздан Ватанинг ҳам, турмушининг ҳам иккитадан жиҳатиға эришиш мақсад сифатида акс этган: Ватан о з о д ва о б о д, турмуш эса эркин ва фаровон бўлиши керак!

Ана шунда «Обод турмуш» тушунчаси қандай кучли мантқиқий асосда юзга келганини янада татқиқ қилмоқчи бўламиз.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадиимиздир» деб номланган маърузаларида «Обод турмуш йили» моҳияти ҳақида сўзлар эканлар, бу борадаги Давлат дастурини тайёрлашнинг муҳим йўналишларини асослаб бердилар.

Ҳар биримиз бу йил ўз турмушимизни обод қилишга киришишимиз лозим. Шундагина асл мақсадга етамиз...

Совуқ кунлар ортда қолди. Кўклар эпкинлари эса бошланди. Дарахтлар куртак отиб, ҳатто, бодом гуллади ҳам.

Ўтган шаба-якшанба кунлари ҳаво бироқ киздириб берган эди, ҳамма бочка ва мактабларда, корхона ва ташкилотларда, маҳалалар ва кўп қаватли уйлар атрофларида тозалаш, ободончилик ишлари қилиб кетди.

Мақсадиимиз — яшаб турган шаҳримизни обод қилиш. Ободликдан ҳамма бирдай баҳраманд бўлади, ахир.

Яқинда ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида шахар айланасига чиқдик.

Аммо бизга, қаерга борсак, баъзи одамларнинг:

— Ободонлаштириш идорасиданмисизлар? — деб сўрагани, рост, ғалати туюлди. Нима, ободонлаштириш факат ана шу тегишли идораларнинггина ишими? Ҳар бири-миз шу шаҳарда яшаймизми, уни обод қилишга масъулмиз. Қадимдан шундай бўлиб келган. Акс ҳолда, халқимиз орасида: «Урингда бир дарахт экканмисан?» — деган савол пайдо бўлмаган бўлар эди.

Сергели туманининг 16-мавзесидаги «Буюк Турон» хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли бешта кўп қаватли ўй ховлисидаги болалар майдончаси атрофига арча қўчатлари ўтказилаётган экан, Кўз ўнгимизда ховли дилини яннатадиган бир гўзал кўриниш пайдо қилди-қўйди. Бўлар экан-ку.

Бу бир мисол, холос. Шаҳримизда замонавий талабларга жавоб берадиган болалар майдончалари анчагина кўпайибди. Кечагина чангиб-тўзғиб ётган майдонлар бүгун кўзни яннатадиган даражага келяпти. Энг муҳими, бу ишларга аҳолининг ўзи муносиб ҳисса қўшяпти. Чунки бу майдончаларда ўзимизнинг болаларимиз ўйнайди-ку.

Сарв дарахтини мумтоз шоирларимиз шеърларида кўп ўқиганмиз. Амир Темур хиёбонидан ўтаётганимизда бир биолог оғайнимиз Ўзбекистон халқаро тантаналар саройининг киравериш йўлаги икки четида савлат

тўқиб турган игна баргли тик дарахтлар қаторини кўрсатиб:

— Ана шу шоирлар мақтаган сарв дарахти бўлади, — деди. — Улар юртимизга бошқа мамлакатлардан олиб келинган.

Ана шунда кўнглимиздан кечган фикрни сизларга айтгимиз келади. Ўзбекистонимизнинг шундай жиннатмонанд тупроғи борки, унга Ер юзининг хоҳлаган жойида ўсадиган дарахтни олиб келиб эксанг, кўкариб, яшнаб кетаверади!

Ана шундай мўътабар юртининг қадрига етиш шу Ватанинг номини еган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эмасми?! Юртининг қадрига етиш эса уни обод қилиш орқали намоеън бўлиши ҳам — айни ҳақиқат.

Олмазор туманининг кўп қаватли уйлари ёнидан ўтиб кетаётиб, ўй атрофидаги чиройли бочкасида қўлда гулқайчи билан дарахт бутаб юрган отахонни кўриб қолдик. Саломалик, «Хорманг!» — «Бор бўлинг!»дан кейин сўхбат қизди.

— Салкам саксонга чиқаман, — дедилар. — Қиш озгина чарчатди. Дўхтирга чиқсам: «Қон яхши юришмаяпти», — дейди. Мана, кўклар келяпти, бу ёғига қон юришадиган. Ҳаракат қилмасанг, қаққдан қон юришин?! «Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан

қочар», — деган халқ мақоли бекорга айтилмаган-да. Саломатликнинг омили — ҳаракат. «Ҳаракатда — баракат», — деганлар. Бу отахон кексайиб, нуқул нақл келтирадиган бўлиб қолибди, деб ўйланганлар. Ота-бобоимиз бу гапларни бошидан ўтказа-ўтказа, ҳаётда синайвериб, кейин тўқган. Ишлаган одамнинг руҳи ҳам тетиклашади, баҳри-дили очилади. Отам раҳматли: «Ерни тозаласанг, у сени дуо қилади», — дер эдилар.

Отахон бир сотихча жойини гўлдай қилиб қўйибдилар. Икки-уч тупдан хурмо, анор, анжир, ток ўстирганлар. Атиргуллар куртак отиб қолибди. Отахон яна кўчат ўтказяптилар. Бу манзара худди машҳур ҳикоятдаги шох билан сўхбат қурган чолни эслатади.

— Неччиқа кирдингиз, отахон? — деб сўрабди у кўчат экётган қариядан.

— Саксонга чиқдим.

— Саксонга чиққан бўлсангиз, бу дарахтингиз қачон ҳосилга қиради-ю, сиз қачон унинг мевасидан татиб кўрасиз?

— Бизга насиб этмаса, боламиз, неварамизга насиб қилар, ахир. Экaveraй-чи?

Подшоҳ бу ақлли гап учун бир халтача тилло берибди.

— Шохим, — дебди чол, — бу дарахтимизнинг қачон мева беришини сўраган эдингиз, мана, Худого шукр, бир кунда мева берди, — дебди.

Отахон бу доно гапи учун ҳам ҳукмдордан яна бир халта тилло ҳада олишга мушарраф бўлган экан...

Ҳа, меҳнатдан соғлиқ тикланади. Киши руҳи тетиклашади.

Сафаримиз давомида шаҳримиз туманларидаги талай кўп қаватли уйлarning ўзи озода, атрофлари ободонлаштирилганини кузатдик. Афсуски, бунинг тамоман аксари бўлган манзараларга ҳам дуч келдик.

Учтепа туманининг 21-мавзесидаги «Шодлик сифат таъмирлаш» ХУЖМШга қарашли кўп қаватли 29-уйнинг ён атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар кўзни қувонтиради. Худудга арча ва мевали дарахтлар дид билан экилиб, уларга чиройли шакл берилган. Уйга кириш йўлаклари озода, саранжом-саришта. Аммо шу ўйнинг шундоққина ёнгинасида жойлашган «Шодлик таъмирлаш би-



ринчи» хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 9-уйнинг таъмирталаб 1- ва 3-йўлакларини, ён атрофларидаги ободонлаштирилмаган ва эътиборсиз қолган худудни кўриб, афсусланади, киши.

Чилонзор туманининг Марказ мавзесида ташкил этилган «Чин бахт сервис» ХУЖМШ тасарруфидида кўп қаватли 37- ва 38- уйларда болалар учун яратилган шарт-шароитлар — таҳсинга сазовор. Болалар ўйин майдончасига кичкинтойларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун чим ётқизилган ва болажонлар учун мослаштирилган кичик автомобиллардан тортиб турли хил спорт анжонларига ҳам мавжуд.

Шу мавзедаги «Динамо коммуналчи» ХУЖМШга қарашли кўп қаватли 12-уйнинг ён атрофлари супурилмагани, ариқларнинг ҳар



албатта, ширкатнинг ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармаётгани, шунингдек, яшовчиларнинг бефарқлигидан далолат беради.

Сафар қилсанг, ҳар хил ҳолатларга, турли дунёқарашдаги кишиларга дуч келаверасан экан.

Бир маҳаллага бордик. Бизни кўп қаватли уйлар атрофида кўчат экишга бош-қош бўлиб юрган бир маҳалла фаоли қуйидаги сўзлар билан кутиб олди.

— Бу кўклар ўтган йилдагидек маҳалла худудиди икки юз туп мева ва манзарали дарахт экишни ният қилиб турибмиз...

Бу — жуда яхши, албатта. Аммо, ўз-ўзидан, бир савол туғилади: нима, агар маҳалла худудиди шунча кўчат ўтказиш имкони бўлса, бултур ҳеч қандай кўчат экилмагандек? Мабодо, яна ана шундай эскичасига ҳисобот бе-



га бевосита шахсий ҳисса қўшиши лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Қани энди ҳар бир кўча, ҳар бир кўп қаватли ўй атрофида мева ва манзарали дарахтлар ўтказилса, шаҳримиз янада гўзал, обод ва кўкаламзор бўларди. Ишончимиз қомилки, бу эзгу ишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам фаоллик кўрсатишади. Ҳар бир депутат ўз худудидида кўчат экиб, унинг кўкаламзор бўлишида, биттадан болалар ўйин майдончасининг қурилишига ўз ҳиссасини қўшса, нур устига нур бўлур эди. Ўз қўлимиз, меҳнатимиз билан эришган ободонликка ҳаммамнинг ҳаваси келсин. Кўнгиллар қувонсин.

Яна бир гап. Шаҳримизни айланиб, турли манзараларга гувоҳ бўлдик. Ободлик, тоза-озодалик, экологик маданият — кўпчиликнинг иши. Тўғри, маҳалла фуқаролар йиғини, хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари бор. Кўп қаватли ўйнинг кириш йўлакларини ширкат таъмирлаб берди ҳам, дейлик. Уни сақлаш, авайлаб-асраш-чи? У кимга боғлиқ? Ширкатгами ёхуд шу уйда яшовчи фуқароларгами? Умуман, шу йўлакдан ҳар кун кириб-чиқиб юрадиган одамлар инсоф қилиб, йўлакни таъмирлаш, оклаб-қўлаб, тозалаб қўйишга ўз ҳиссаларини қўйишса, ҳеч нарса қилмас? Ана шунда уни асраб-авайлашга муносабат ҳам, албатта, тубдан ўзгаради.

Айтайлик, шу йўлакка кираверишда, табиийки, бир-икки дарахт кўкартириш имкони борида? Шунинг хозир экиш керак. Шунга қим-дир ташаббускор бўлиши лозим. Хусусий ховлилардан иборат маҳалларда ҳам уйлар атрофини тоза-озода тутиш, обод қилиш билан боғлиқ бир талай муаммомиз бор.


Чикинди масаласи ҳамон бизнинг оғриқли еримиз бўлиб турибди. Кўплар уйдан чиққан ахлатларни пакетларга солиб, тегишли жойга ташлаб келиш учун болаларига бериб юборади. Бола — бола-да: «Бола иш буюр — кетидан ўзинг югур». Бу мақол бежиз айтилмаган. Айримлари уларни тўғри келган жойга ташлаб кетаверади. Аммо баъзи ота-оналар бу каби ҳуқуқ ҳолатларга лоқайдлик билан қараганлиги тўғрисида айрим кўчаларимиз, маҳалла ва мавзелиримиз ҳусни бузилмоқда.

Бундай аҳволга чек қўйишнинг вақти келди. Токи биз ўз уйимизни ўзимиз тоза, озода тутишдек азалий миллий қадриятимизга қатъий риоя қилишимиз лозимлигини англаб етайлик, шаҳримизнинг юксак экологик маданиятини шакллантирайлик.

«Обод қилган обод бўлар», «Турмуш фаровон бўлса, кўнгил — чароғон», «Кўнгил ободдир — ҳаёт гўзалдир» деган ажойиб ўзбек халқ мақоллари бор. «Обод турмуш йили»да ҳар биримиз шу каби ҳикматларни қалбимизга жо қилиб олишимиз барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Олим МАХМУДОВ

КўНГИЛЛАРНИ ҚУВНАТАДИГАН МАНЗАРАЛАР



Шайхонтоҳур туман Матлубот ва Беруний кўчалари чорраҳаси атрофидаги 1-уй.



Миробод туманидаги «Нозанин люкс сервис» ХУЖМШ тасарруфидидаги 3-уй атрофи саранжом.



Чилонзор туманидаги «Чин бахт сервис» ХУЖМШга қарашли 37, 38-уйлар.




Яккасарой туманидаги «Биродарлик уйим» ширкати тасарруфидидаги 75-уй.

...ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР



Миробод туманидаги «Нозанин люкс сервис» ХУЖМШга қарашли 3-уйнинг 3-йўлагидаги аҳвол.



Учтепа туманидаги «Шодлик таъмирлаш биринчи» ХУЖМШга қарашли 9-уй.



Хамза туманидаги «Арал коммуналчи» ХУЖМШ тасарруфидидаги 1-А ва 2-А уйлар атрофи.



Чилонзор тумани, Марказ мавзесидаги «Динамо коммуналчи» ХУЖМШга қарашли 12-уй.



Кўргазмалар

РУҲИЙ ОЛАМНИНГ ГЎЗАЛ ДУНЁСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида рассом Солижон Маматкуловнинг «Қаерга шошиламиз» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Рассом ўз ижодида томошабинларга юрагидagi энг гўзал туйғуларни ва шахсий ҳиссиётларини очиб беради. Унинг асарлари импрессионистик характерга эга.

С. Маматкулов Москва педагогика университети филология факультетини, Беньков номидagi Республика рассомчилик коллежининг рангтаъсир бўлимини муваффақиятли тугаллаб, ўз соҳасининг етук рассомига айланган.

Мазкур кўргазмада унинг 177 та акварель ва графика асарлари ҳамда карикатуралари жамланмаси томошабинлар эътиборига тақдим этилмоқда.

Муаллиф ўз асарларида оилавий муносабатларга асосий эътиборини қаратган. Тасвирларда сўзсиз суҳбат, нигоҳларнинг дуч келиши, руҳий оламнинг гўзал дунёси, айрилиқ, азоб, соғинч, рашк, изтироб каби туйғуларни имкон даражасида ишонarli ва таъсирчан қилиб тасвирлай олган. «Мураккаб суҳбат», «Айтишиб қолиш», «Икки инсон» каби драматик асарлар фикримиз далилидир.

Шарҳ жанри ижодкор ижодидан алоҳида ўрин олган. Рассом ушбу йўналишда маълум муваффақиятларга ҳам эришган. У Ўзбекистон Бадий академиясининг бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Республикада ўтказилган кўплаб кўргазмалар иш-

тирокчиси, Халқаро карикатуралар танловининг совриндори, «Vades group» компаниясининг иқтидорли дизайнери.

Солижон Маматкуловнинг ҳар бир асари инсонларни гўзалликка, эзгулик ва яхшиликка ўндаётгандай таассурот қолдиради кишида.

Унинг асарлари Россия, АҚШ, Германия, Болгария, Греция, Сербия каби мамлакатлардаги коллекцияларда муҳим ўрин эгаллаган.

Солижон Маматкуловнинг «Менга», «Ҳа», «Тасодифан учрашув», «Кузги маззу» каби лирик асарларида томошабин кишилар ҳаётидаги бахтли муносабатларнинг гувоҳи бўлади. Ушбу асарларни томоша қилар экансиз, бахтиёр оилаларнинг умид, хурсандчилик, тинчлик ва товулик каби ҳислатлари кўз ўнгингизда намоён бўлади.

— Мен ўз ҳаётимни санъатнинг шундай гўзал турига бағишладим. Яратётган асарларим инсонлар юрагидан озгина бўлса ҳам жой олаётган экан, демек мен бахтлиман. Ҳақиқий бахт эса, ўзингдан яхши ном қолдириш, бошқаларга ҳаёт тарзинг билан ибрат бўлишдир, — дейди Солижон Маматкулов.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа

Спорт янгиликлари

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Нихоят миллионлаб футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар келди. «Пахтакор» марказий стадионида Осиё чемпионлар лигаси турнининг «В» гуруҳи вакиллари «Пахтакор» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифок» жамоалари ўртасидаги дастлабки тур баҳси бўлиб ўтди.

Учрашувга тўхталишдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, бу икки жамоа 2009 йилда ҳам Осиё чемпионлар лигаси турнирида бир марта тўқнаш келишган. Саудия Арабистонинда уюштирилган учрашувда пахтакорчилар 2:1 ҳисобида зафар қўчиган эди. Айни дамда «Ал-Иттифок» жамоаси Саудия Арабистони чемпионатида 6-ўринни эгаллаб турибди. «Пахтакор» эса ҳали миллий чемпионат ўйинлари бошланмаганлиги боис асосан ўқув-йиғин машғулотларига жиддий эътибор қаратган. «Пахтакор» жамоаси бош мураббийси Мурод Исмоилов майдонга Лобанов, Исмаилов, Хошимов, Қозак, Мерзак, Махарадзе, Оганесян (Абдухаликов), Каримов (Қиличев), Андреев, Шарофуддин, Сергеев (Махситалиев)ларни туширди.

Биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтди. Ҳар икки жамоа дарвозаси олдида бир неча марта ҳавфли вазиятлар содир

этилди. Аммо биринчи бўлимда дарвозалар дахлсиз қолди.

Иккинчи бўлим эса майдон эгаларининг ҳужумлари билан бошланди. Меҳмонлар қарши ҳужум тактикасини қўллашди. Иккинчи бўлимнинг ўрталарида меҳмонлар томонидан уюштирилган ҳужумни ҳимоячиларимиз жарима майдони ичида қоида-ни бузган ҳолда тўхтатишга мажбур бўлишди. «Пахтакор» дарвозаси томон белгиланган пенальтини Ал-Шаҳрий голга айлантира олмади. Лобанов зарбани қайтарди. «Пахтакор»га ғалаба келтирган ягона тўпга эса 75-дақиқада Абдухаликов муаллифлик қилди. Томонлар қолган дақиқаларда ҳисоби ўзгартиришга ҳарчанд уринишмасин, 1:0 ҳисоби ўйин охиригача сақланиб қолди ва Мурод Исмоилов шогирдлари муҳим ғалабани қўлга киритишди.

Акбар Йўлдошев

Пойтахтимизда жойлашган «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида Ўзбекистон шарқ яққакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда таэквондо (ИТФ) федерацияси ҳамкорлигида таэквондо ИТФ бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мазкур турнир спортчиларимиз учун жорий йилда Испанияда бўлиб ўтadиган W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионати олдидан саралаш босқичи вазифасини ўтади. Унда мамлакатимиздан 400 нафарга яқин спортчилар ўзаро куч синашди.

Яққама-яққа курашларида ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлган пойтахтлик М.Ақбаров, С.Салимов, И.Даминов, Д.Ирисбоев, Тошкент вилоятидан С.Хусанов, сирдаёлик Ж.Ҳамдамов, фарғоналик Ш.Бахтиёров ҳамда бухоролик Б.Қазақовлар олтин

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

медалъ билан тақдирландилар. Қизлар ўртасида эса тошкентлик Ф.Алиева, бухоролик М.Розиқова, Ш.Ҳалимова, Г.Жўраева, фарғоналик Д.Хошимова, самарқандлик У.Эшқувватовлар ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдилар.

— Мен таэквондонинг ИТФ йўналиши билан узоқ вақтдан буён шуғулланман, — дейди турнир ғолиби Ш.Бахтиёров. — Мамлакатимизда ўтказилган кўпгина мусобақаларда

ғалаба нашидасини сурганман. Аммо бу турнирдаги ғалаба ўзимга бўлган ишончни янада оширди.

Комплекс машқ бажариш бўйича барча совринли ўринлар пойтахтлик спортчиларга насиб қилди. Турнир натижаларига кўра умумжамоа ҳисоби бўйича пойтахтликлар биринчи, бухороликлар иккинчи, фарғоналик ва сирдарёлик спортчилар учинчи ўринларни эгаллашди.

Жавоҳир
ТОШХҲАЕВ

Шу юртнинг табиий бойликлари, иқтисодий манбалари ва инсонлар ҳаёти, ҳавфсизлигини сақлаш, шунингдек тинчлигини барқарорлаштиришда ўт ўчириш соҳаси ходимларининг хизматлари беқиёсдир.

«101»

ЁНГИН ҲАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Ёнгиндан сақлаш хизмати Ички ишлар вазирлиги таркибида мустақам мавқега эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланиб, ёнгинларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаш, содир бўлган ёнгинларни тезкорлик билан барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида кенг қўлмалли фаолият кўрсатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамжихатлик билан меҳнаткаш халқимиз ҳаётини, мол-мулкни, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнгинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишаётди. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бериб, йилдан йилга республикамиз ҳудудида юз бераётган ёнгинлар сони қисқармоқда. Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири турли сабаблар оқибатида юзага келувчи тилсиз ёв бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, ҳавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш, шунингдек огоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат. Пешона тери эвазига етиштирилган бойликлар ва қад кўтарган бинолар, ташкилот, муассаса, халқ ҳўжалиги масканла-

рида ёнгин ҳавфсизлигини таъминлаш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмаларида аниқ белгиланган тадбирлар асосида фаолият олиб борилаётган бўлса-да, айрим фуқароларнинг ўз уйларида эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда.

Бинобарин ҳар бир фуқаро кундалиқ турмушида ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, тилсиз ёв бўлган олов фасл, вақт ва жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнгин ҳавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлатга тегишли бўлган ва шахсий мулкнингизни, ўй жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз ҳавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Тоҳиржон ШАХРИДАВ

Тошкент шаҳридаги

12-ХЕХО 23-ХЕХ

катта инспектори, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 241

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13549 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 17.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ